



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 5 январь, № 4 (4414)

Шанба

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноб Президент,
Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганингиз муносабати билан самимий табриклаймиз.
Хуқуқий давлат ва бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик жамият барпо этишда Германия бундан буюн ҳам Ўзбекистоннинг яқин ва ишончли ҳамкори бўлиб қолаверади. Шу боис, Германия Ўзбекистон келгусида ҳам ҳаётбахш ислохотларни, жумладан, инсоннинг ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган халқаро мажбуриятларини таъминлашга қаратилган ислохотларни изчил амалга ошираверишига ишонади.

Президентлик лавозимига Сизга янада юксак муваффақиятлар, куч-ғайрат ва сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.
Эҳтиром ила,

Хорст КЁЛЕР,
Германия Федератив
Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида эришган галабангиз муносабати билан Сизни Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан самимий қўллашга изозат бергайсиз.
Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси истиқболда ҳам айнан Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда ривожланиб ва равақ топиб бораверади.

Менинг Ўзбекистон Республикасига 2005 йилнинг май ойидаги таширигим ва Сизнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига буюрган таширигингиздан кейин давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар кучайганидан ҳамда ҳамкорлигимиз сезиларли даражада кенгайганидан гоҳ мамнунман. Умид қиламанки, Сиз, Жаноби Олийларининг фаолиятингиз даврида 2006 йил март ойидаги таширигингиз чоғида имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим тамойилларига асосланган муносабатлар сиёсат, иқтисодиёт, маданият соҳалари билан бир қаторда бошқа соҳаларда ҳам ўзаро чўқуралиб ва ривожланиб бораверади.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик, Ўзбекистон Республикасига эса бардавом тараққиёт ва равақ тилаб қоламан.

Но Му ХЁН,
Корея Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Сиз, Жаноби Олийларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимни йўллаш шарафидан гоҳ бахтиёрман.

Ишончим комилки, Ўзбекистон шахсан Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигингизда барқарор ривожланиб бораверади ва Марказий Осиё минтақасидаги равақ ва фаровонликка муносиб ҳисса қўшаверади.

Япония билан Ўзбекистон ўртасида жуда яқин дўстона муносабатлар ўрнатилган. Ишончим комилки, мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик алоқалари янада юксалиб бораверади.

Шу ўринда, «ЯЛДП-Ўзбекистон» дўстлиги Парламент лигасининг вакили сифатида Япония билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни чўқурлаштириш ишига ўзининг бутун кучини сарфлашга тайёзлигини билдираман.

Сиз, Жаноби Олийларига чин қўлдан мустаҳкам соғлик ва фаолиятингизда зафарлар, Ўзбекистон халқига эса бардавом равақ тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,
Йоширо МОРИ,
Япония Соёқ Бош вазири,
Парламент Куйи Палатаси депутати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганингиз муносабати билан Сизни чин қўлдан қўллашга изозат бергайсиз.

Президентликнинг янги мuddатига қайта сайланишингиз халқингиз томонидан Сизга бўлган юксак ишончингиз ва Сизни қўллаб-қувватлашингиз яқол ифодасидир.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги аънаваний дўстона муносабатлар бундан буюн ҳам халқларимиз манфаатлари йўлида ривожланиб бораверади.

Мухтарам Ислам Каримов, Сизга мамлакатингизни равақ топтириш ва фаровонлигини оширишда масъулиятли фаолиятингизда янада улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

Ким ЁН НАМ,
Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари,
Сиз, Жаноби Олийларига самимий саломларим ила эзу тилларимни билдиришдан бениҳоят бахтиёрман. Сизга Ватанингиз олдидagi хизматларингизда омад ва зафарлар тилаб қоламан.

Шунингдек, Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан қўллаб, ўзининг холис табриқларини йўллаш менга чексиз мамнунлиқ бахш этади.

Сизга ва одилона раҳбарлигингиз остида халқингизга улкан фаровонлик, янада юксак тараққиёт ва дўст мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги алоқаларининг бардавом бўлишини тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этайсиз.
Саиф бин Зоид Ол НАХАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазири.

Ўзбекистонда Улим Жазосининг БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СЛОВЕНИЯ РАЕСАНГИНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ НОМИДАН БАЁНОТИ

1. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан улим жазоси бекор қилинганни қизгин маъқуллайдди. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий қўллаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўйбега чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислохотларни бундан буюн ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди.
2. Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар улим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қимматини ҳур-мат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди.
Европа Иттифоқи улим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда улим жазосининг бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб биледи ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади.

ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР — САМАРАДОРЛИК КАЛИТИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда жисмонан ва маънан эскирган корхоналарни модернизациялаш, замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш ўз самарасини бераёттир.

Жараён

Ишлаб чиқариш субъектларининг рақобатбардош маҳсулотлари жаҳон бозорига мустаҳкам ўрин олаётгани бунинг ёрқин далилидир.

“Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга қараганда, биргина 2007 йилда 23 та тўқимачилик корхонаси ишга туширилган. Бунинг натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 635,35 млрд. сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич навбалги йилнинг шу давридаги нисбатан 153 фоиз кўпдир.

Пойтахтимиздаги “Седат-Трико-Тошкент” хусусий корхонаси — шундай янги корхоналардан бири. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган талабчан харидорлар дидига мос 15 турдаги трикотаж маҳсулотларига, ҳатто Германияда ҳам талаб тобора ортиб бормоқда.

— Корхонамиздаги замонавий жиҳозларда ишлаш мен учун мароқли, — дейди тўқувчи Шахризода Жалилова. — Кўча-кўйда юртошларимиз эгнисида жамоамизда ишлаб чиқарилган бежирим кийим-кечакларни кўрсан, беихтиёр гурурланиб кетаман. Бу, ўз навбатида, мени касбимга янада жиддий ёндашишга ундамоқда.

Сандолим ҲАЙДАРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.



СУРАТДА: тўқувчи Шахризода Жалилова.

Темур ҚҮРБОНБОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОНДА ШУНДАЙ ДЕМОКРАТИЯ МАВЖУДКИ, У ДУНЁНИНГ КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАРИ УЧУН НАМУНА БЎЛИШИ МУМКИН»

2007 йил 23 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари хорижий мамлакатларнинг эҳтимомий-сиёсий ва илмий доиралари ўртасида ҳамон ўз акс-садосини бермоқда.

Шу кунларда АРТ Евразия каналининг “Сунги хабарлар” (“SICAK HABER”) кечки теледастурида “Ўзбекистонда шундай демократия мавжудки, у дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун намуна бўлиши мумкин” номли курсатув намойиш этилди. У бўлиб ўтган президент сайловларида халқаро кузатувчилар сафида иштирок этган **Туркия халқаро стратегик тадқиқотлар маркази (TUSAM) раҳбари Али Кюлебей** кўмағида ташкил этилди.

“Осиёнинг юраги ҳисобланадиган Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида стратегик ўрин эгаллайди, деди туркиялик таҳлилки ўз чиқишида. Кўпгина йиллар давомида Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик ва осийшталлик

ҳукм суриб келмоқда. Шубҳа йўқки, барқарорлик ва осийшталлик ҳукмронлиги жамиятида фаол ривожланиш учун ажойиб салоҳият мавжуд бўлади”.

Шунингдек, Али Кюлебей таъкидлаганидек, Ўзбекистондаги Президент сайловида 260 нафардан зиёд хорижий ҳамда 23 минг нафардан зиёд маҳаллий кузатувчи иштирок этилди.

“Унда сайловдаги кампаниясини олиб боришлари учун барча номзодлар учун тенг шароитлар яратилди. Яна шун ҳам айтишим керакки, овоз бериш жараёни қатъиян белгиланган меъёрларга мувофиқ, яъни яширин овоз бериш ва сайловлар ҳақидаги қонуннинг барча қирдаларига риоя қилинган ҳолда ўтди”.

Дунё нигоҳи

Ўзбекистонда жаҳоннинг қўллаб-қувватлаётган халқ томонидан Президентга нисбатан улкан ишончнинг ёрқин далилидир.

Демократик сайловлар натижасида Ислам Каримов давлат раҳбари этиб сайланди. Унинг раҳбарлигида Ўзбекистон иқтисодиёт ва сиёсат соҳасида янги муваффақиятларга эришишига аминман.

Бу фақатгина менинг шахсий ўй-фикрларим эмас. Бу хусусда кўпгина халқаро кузатувчилар ўз фикрларини ўртоқлашганлари ҳолда мамлакатнинг етакчилик мавқеини алоҳида таъкидламоқдалар.

Ўзбекистон ўзининг қатъий сиёсий нуқтаи назарига ва улкан иқтисодий салоҳиятига эга булган мамлакатдир. Буларнинг барчаси бизга Ўзбекистоннинг тараққиёт ва гуллаб-яшнаш йўлида янада дадил қадамларни ташлаши хусусида ишонч билан сўзлашиши учун имкон беради, дейди Али Кюлебей.

“Жаҳон” АА,
Анкара.

Кооперация

“ЎзДЭАавто” акциядорлик жамиятида Кўкondaги тўқимачилик машинасозлиги корхонасида тайёрланган “Матиз” автомобилларининг эшик ойналарини кўтариб-туширувчи мослама синовдан ўтказилди.

МОСЛАМА СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Илгари бундай бутловчи қисм асосан хориждан келтирилди. Асакаликлар буюртмаси асосида кўконлик усталар ишлаб чиқарган бутловчи қисмлар шишиқ-пухталиги туфайли чет эллик муҳассиллар томонидан юқори баҳоланади.

Кўконлик машинасозлар билан асакалик автомобилсозларнинг ички тармоқлараро саноат кооперацияси бўйича ҳамкорлик қилаётганларига 9 йил булган. Дастлаб тўқимачилик машинасозлиги корхонасида “Тико” автомобилларининг кичик мураватлари тайёрланган бўлса, эндиликда “Матиз”, “Дамас” ва “Нексиа” учун 30 дан ортқ анча мураккаб бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилаёттир. Ҳатто уларнинг ўндан зиёда шу ёрнинг ўзида буюк берилиб, пардозланапти.

Асакалик машинасозлар билан ҳамкорлик қилаётган корхоналардан яна бири “Кўкон электромаш” заводида. 10 йилдири, мазкур корхонада “Матиз”, “Дамас” ва “Нексиа” автомобилларининг пластмас қисмларини ишлаб турувчи деталлар маҳаллий ҳам ашёдан тайёрланапти. Яқинда эса “Дамас” автомобилларининг кўзов қисмини маҳкамлаётган деталлар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

Дарҳақиқат, кооперация алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани ўз самарасини берапти. Агар 2006 йили асакаликларнинг буюртмаси асосида 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2007 йилнинг 9 ойида яна шунча сўмлик бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилди. Бу ишларни 150 дан зиёд кўконлик ёшлар койилмақом этиб бажармоқдалар. Улардан 33 нафари асакалик буюнча фаолият қириятпти.

Набжон СОБИР,
“Халқ сўзи” мухбири.



МАМЛАКАТ буйлаб

Воқеалар, янгиликлар, габуллар

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Қашқадарё вилояти телекоммуникация тармоғи тубдан янгиланмоқда. Қарши — Термиз магистрал шиша толали алоқа линияси ишга тушганлиги бу соҳани ривожлантиришда катта имкониятлар яратди.

140 километр узунликдаги халқаро аҳамиятга молик бу линия бевосита Гузор, Дехқонobod туманлари худудидан ўтган бўлса, Қашқадарё туманига 40 километрлик қўшимча линия тортилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Хитой тараққиёт банки ва “Huawei Technologies Co.LTD” (ХХР) компанияси билан ҳамкорлиги туфайли вилоятнинг туман марказларида рақамли телефон станциялари ишлаб турибди. Шахрисабз туманидаги Мироқи, Чоршанба, Яқабоб туманидаги Яқабоб қўрғонларида ҳам рақамли телефон станциялари ўрнатилди, сеновдан ўтказилмоқда. Қарши шаҳри, Гузор, Дехқонobod, Қашқадарё туманлари марказидаги рақамли АТСлар шиша толали алоқа линияларига уланди. Телекоммуникация тармоғидаги бу ўзгаришлар вилоят аҳолисининг сифатли телефон алоқасидан фойдаланиш, юқори тезликдаги алоқа линиялари орқали маълумот узатиш ва интернет тизимида боғланиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Корхонанинг дадил одими

Урган шаҳридаги “Феруз-Хоразм” акциядорлик жамиятида нафақат кийим-кечак, балки бир неча турдаги халқ истеъмоли моллари ҳам ишлаб чиқариламоқда. Корхонада ҳар ойда 150 млн. сўмликдан ортқ маҳсулот тайёрланади. Айни кунда “Феруз-Хоразм” жамоаси трикотаж ва ипгазлама маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иxtисослашган “Биз-интруд Хоразм”, “Осиётекстиль”, “Бухоротекс” корхоналари билан ҳамкорлик қилмоқда. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб, даромадга барака кирмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Намангандаги “Истикболпоябзалсавдо” хусусий кичик корхонасининг табиий тоза чаридан тикилган, енгил оёқ кийимлари пишиқ-пухталиги билан хорижий “Саламандар”, “Кибо” сингари пойабзаллари билан бемалол баҳслаша олади.

«Amig» савдонинг пойабзали

Кичик корхонада 15 нафар хунарманд мөҳнат қилади. «Amig» савдо белгиси остида улар чиқарётган маҳсулотларга водий вилоятлари, Тошкент, Бухоро, Сурхондарёдан келган тадбиркорлар доимий харидор ҳисобланади.

“Истикболпоябзалсавдо” яқинда Наманган шаҳрининг Соҳил бўйи даҳасида ўзининг фирма дўконини очди. Унинг пештахталарига 50 дан ортқ турдаги маҳсулот қўйилган. Миқозлар дўкон орқали яқка тартибда буюртма беришлари ҳам мумкин.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Касаначилар маҳсулоти — экспортга

Қадимий гиламчиликни қайта йўлга қўйишда “Самарқанд — Бухоро ипак гилами” қўшма корхонасининг ўрни бекиёс. Айни пайтда бу ерда 300 нафардан ортқ хотин-қиз доимий иш билан таъминланган.

Корхона аҳли эндиликда касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам илашаниш олиб борапти. Биргина Нуробод туманининг саккиз-

Абдурсул САТТОРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Қорақўлчилик деганда, кўз олдимизда чўлларга сочилган дурдона гавдаланади. Бир дурдонаки, инсон меҳнати, табиат мўъжизасидан яралган. Юртимиз бундай жавоҳирга кон. Айни пайтда дунёнинг қирқдан ортиқ давлатида қорақўл кўйлари боқилса-да, унинг ватани деб Ўзбекистон тан олинган. Чунки қорақўл кўй зоти минг йиллар мобайнида Бухоро воҳасининг сахро, чўл шароитида яратилган халқ селекцияси маҳсулидир. Шу боис у ўзбек халқининг нафақат моддий бойлиги, балки миллий ифтихори саналади.

Чўлларга сочилган дурдона

Мамлакатимизда мазкур тармоқни ривожлантиришга долмавий эътибор қаратилиб, чорвадорлар манфаатдорлиги оширилаётгани боис кейинги йилларда ижобий ютуқлар янада кўпаймоқда. "Ўзбек қорақўли" компаниясидан маълум қилишча, ҳозирги кунда тизим таркибидagi ҳўжалиқларда кўй ва эчкилар сони 2 млн. 284 минг бошга етган. Бу — чорванинг бош сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 38,7 минг бошга кўпайди, дегандир. Эътиборлиси, қорақўл кўйларининг кўпайтирилиши баробарида гўш, жун ва жажон бозоридa харидорлар бўлган қорақўл териларини тайёрлаш ҳажми ҳам ортди. Масалан, ўтган йилдагига нисбатан 30 минг дона кўп, жами 232,1 минг дона қорақўл тери тайёрланди. Улар бугунгача тўлиқ сотилиб, жумладан, 168,9 минг донасини харидорлар "Бухоро Қорақўл" ОТАЖда ташкил этилган аукцион савдоси орқали олишди.

Таъкидлаш кераки, хорижга хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқариш давр талабидир. Уни бажариш йўлида компания таркибидa бир қатор қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатапти. Натижада чет давлатларга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси туширилган тайёр, ярим тайёр маҳсулотлар сотилапти. Хусусан, якуланган йилда Россия, Греция, Германия, Дания, Исроил, Беларусь, Украина, Сурия каби давлатларнинг фирма ҳамда корхоналарига 1 млн. 824 минг АҚШ доллари қийматидаги қорақўлчилик маҳсулотлари етказиб берилди. Бу жараёнда Тошкент шаҳрида жойлашган "Осиё мўйнаси" хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг ҳам нуносибулуши бор.

2001 йили ташкил этилган ушбу корхонада йилгига 20 минг дона қорақўл тери кайта ишланиб, ундан турли-туман маҳсулотлар тайёрлана-

ди. Бир неча хилдаги аёллар ва эркаклар бош кийимлари, аёллар пўсти-нидан ташқари бадий безакли гиллампалар, уй ва офис мебеллари учун жилдлар, ёпинчиқлар тикиш ҳам ўзлаштирилди. — Маҳсулотимизнинг асосий қисмини экспорт қиламиз, — дейди корхона директорининг ўринбосари Асек Жуманов. — Масалан, ўтган 2007 йили чет давлатларга 150 минг АҚШ долларилик тайёр ва ярим тайёр маҳсулот сотдик. — Жаҳон мўйна бозоридa ўзбек қорақўлининг ўрни қандай? Мутахассислар баҳоси-чи? — дея сўраймиз сўхбатдошимиздан. — Очиғини айтиш керак, ҳукумати-мизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли тармоқ ривожланиб, ўзбек қорақўли жаҳон мўйна бозоридa яна ўз ўрнига эгa бўлди. "Бухоро қорақўли" номи билан жаҳонга чиқди. Гарчи мўйна бо-



лиги, терисининг қалинлиги ва дағалроқ эқалигини айтдик. Шундан сўнг у яқраб кетди. — Бу — жаҳон мўйна бозоридa харидорлар Афғонистон қорақўли. Атайлаб олиб келганмиз. Бундан тайёрланган кийимлар оғир бўлиб кетиши билан харидорини узоқлаштиради. Чунки қорақўл теридан асосан аёллар иссиқ кийимлари тикилади-да. Мўйна мутахассислари Бухоро қорақўлини юқори баҳолашининг яна бир сабаби унинг силлиқ ва энгиллигидир. "Осиё мўйнаси" корхонасининг кичик жамоаси ҳўжалиқлардан харид қилган хом терини замонавий технологиялар асосида қайта ишлайди. Сўнгра улар ўз ишининг устаси — йигирмадан ортиқ кичик-кичик ва тикучилар меҳнати билан ял-ял ёниб турган буюмларга айланади. Бу шохона маҳсулотлар хориж бозоридa қўлма-қўл бўлиб, ўзбек қорақўлини дунёга кўз-кўз этиб, Ўзбекистонимиз дову-рининг янада ошишига нуносибу хўсса қўшмоқда.

Саид РАҲМОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири. СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лoвoлoвoлo. Темуру ҚУРБОНОВЕВ олган сурoтлар.

14 январь — Ватан химоячилари куни

Сурхондарё вилоятида Ватан химоячилари куни ва Куролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 16 йиллигини кенг нишонлашга пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Мудофаага кўмаклашувчи "Ватан-парвар" ташкилоти ташаббуси билан оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлғи доирасида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

МУҚАДДАС БУРЧ

Ана шундай тадбирлардан бири Термиз автомобиль мактабида бўлиб ўтди. Уни вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Термиз шаҳар кенгаши, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари вилоят бўлиmlлари ҳамкорлиқда ташкил этди. Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама етуқ, жисмонан соғлом воёга етказиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Ватанимизнинг мудофаа қобилияти йил сайин мустаҳкамланиб бораётгани, Куролли Кучларимизни янада тақомиллаштириш борасида олиб бoрилаётган изчил ишлoтлар ҳақида сўз юритилди. — Бундай тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Эшмурод Утаев. — Ҳарбий қисм ва ўқув муассасаларида уруш фахрийлиги билан қизиқарли учрашувлар ташкил этилмоқда. Ватан химоячилари кунига бағишлаб кўрик-танловлар, спорт мусобақаларини ўтказишга ҳозирлик қўрилмоқда.

Х. МАМАТРАЙМОВ, ЎзА мухбири.

Мўл ҳосил соғлом ерда битади

Даланин шўр бoсиши — дeҳқoнчилик заволи. Наманган вилоятида бундан икки-уч йил аввал турли даражада шўрланган майдон 33 минг гектардан ортиб, унинг ҳосилдорлиги кескин камайиб кетганди. Ҳукуматнинг амалий ёрдами, вилоят аграр соҳаси мутаассидларининг астойдил сазй-ҳаракатлари билан мелиорация ишлари кучайтирилиб, қарий 9 минг гектар ер соғломлаштирилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашча, кучли шўр бoсган далада пахта ҳосилдорлиги 8-10 центнергача камади. Бугунги кунда вилоят экинзорларининг 24450 гектари ёки умумий суғориладиган майдоннинг 9 фоизи ана шу офат билан зарарлангани эътиборга олинса, дeҳ-

тармоқларини ҳар йили, ҳўжалиқлараро коллекторларни эса ҳар уч йилда тозалаш шарт. Сир эмас, ушбу тартиб бузилган айрим жойларда сизот сувлари чиқиб кетиши оқибатида сув тармоқларини қамши бoсиб кeтган. Бу, ўз навбатида, ёзининг иссиқ кунлари-

Мелиорация

да ер ости сувлари кўтарилишига, даланин тақрор шўр билан боғлиқ жуда катта юмуш тургани янада ойдинлашади. Шўрланган ерларнинг асосий қисми Мингбулок ва Поп туманларига тўғри кeлади. Шу боис кўзгичи тадбирларни амалга оширишда мелиорация ишига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Вилоят бўйича тўрт минг гектарга яқин майдоннинг поли олиниб, шўр ювишга киришилди.

— Кучларни кўпроқ Мингбулок ҳудудига сафарбар этишга тўғри кeлапти, — дейди вилоят гидрогеология-мелиоратив экспедицияси бошлиғи Шухратжон Қозоқов. — Чунки тумандаги 16158 гектар шўрроқ ернинг катта қисми ўта шўрланган. Бу ерларга қўш чилласида тақрор-тақрор яқоб берилмаса, аҳолини ўнлаш мушкул. Мелиорация тадбирлари фақат шўр ювишининг ўзидангина иборат эмас. Жумладан, зoвурларни тозалаш, сизот сувларга йўл очиб қўйилмас экан, бутун ҳаракат зoе кетиши турган гап. Шунинг учун ички суғориш

сишига олиб кeлапти. Мелиораторларнинг айтишларига қараганда, бу мавсумда тозаланмаган бирорта зoвур ва коллектор қoлмади. Чунки мажмууд 639 километр узунликдаги зoвурларни қовлаш учун етарли техника ажратилган. Аниқроғи, туманларда 87 та экскаватор тўла қувват билан ишлатилмоқда. Ҳозирда ҳар бир экскаваторчи учун етарли шарт-шароит яратилган. Жумладан, улар иссиқ-овқат, махсус кийим-бош билан таъминланган. Шу кўнғача вилоят бўйича 614 километрлик зoвурлар лoйқа ва қамшдан тозаланди.

Суғориш тармоқларини мавсумга тайёрлаш тадбирлари бугун-эрта ниҳоясига етказилди. Олдинда эса янаям муҳимроқ тадбир — шўр ювишни жадаллаштириш вазифаси турибди. Дeҳқoнлар бу юмушни ҳам уюшқoқлик билан амалга оширишлари аниқ.

Қудратилла НАҲМИДДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Қўмликлар яшилликка бурканмоқда

Улуғнор туманининг марказида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Наманган билан Фарғонани бир-бирига боғловчи катта йўлнинг икки ёни қудратли техника воситалари ёрдамида текисланмоқда. Бу ерда уч юз тўп япон сафораси, минг тўп арча ва

икки минг тўп терак кўчати ўтқазил режалаштирилган. Мухими, бу юмушларнинг ҳаммасини ўз тақдирини чўл билан боғлаган улўнорликлар ҳашар ўтказиш орқали амалга оширмоқдалар. Одиалжон ШОДНОАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Қишда ёз неъматиди



Қамши туманидаги Қорақўтон қишлоғида 400 оила истикомат қилади. Қишлоқ ағли дeҳқoнчилик билан бир қаторда лимон етиштиришда ҳам катта таъжирба тўплаган. — Қишлоқимиз аҳолисининг салкам ярми зироатчиликнинг ушбу тури билан машғул, — дейди лимончи Маъруф Азизов. — Лимон кўчати ҳам шу ерда ўстирилади. Эътибор-

лиси, лимончилик ҳамқишлоқларимизни нафақат иш билан таъминлаш, балки моддий манфаатдорлигини оширишда ҳам муҳим омили бўлмоқда. Ҳозирда вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ушбу тармоқни ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Бунда эса қорақўтонликларнинг таъжирбаси қўл кeлмоқда. Воҳада

етиштирилаётган дармондорига бой лимонлар Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарлари аҳолисининг дастурхонини ҳам беэмомлашди. СУРАТДА: тадбиркор Нурали Бойбулов қизи Навбахор билан лимонзорда. Шомурод ШАРПОПОВ (ЎзА) олган сурoт.

МАҚСАД — ЧОРВА ОЗУҚАСИНИ КўПАЙТИРИШ

Самарқандда чорвачиликка ихтирослашган фермер ва дeҳқoн экинларидa озуқа базасини мустаҳкамлашнинг қўшимча имкониятлари мавзусида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Чорвачилик соҳаси олимлари, мутахассислар, фермер ва чорвадор тадбиркорлар иштирок этган маъсасини гидропоник усулда, саноат асосида ўстириш масаласи муҳокама қилинди. Тадбир Қишлоқ

ва сув ҳўжалиги вазирлиғи, «Парвина-М» агрофирмаси, «Парвина-қувучи» масъулияти чекланган жамияти ва «Сино» акциядорлик жамияти ҳамкорлиғида ташкил этилди.

Абдурашул САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

— Мамлакатимиз сув ҳўжалиғида Амударёнинг роли ва аҳамияти беқийс, — дейди САНИЙРИ илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасининг "Тоза дарё" илмий-техник маркази директори Анатолий Сорокин. — Чунки у — трансгегара дарёларидан бири. Амударё сувидан оқилана фойдаланиш, уни истеъмолчилар ўртасида тўғри тақсимлаш, ажратилган лимитларга қатъий риоя этиш ҳаётий заруратдир. Бу борада минтақада амалга оширилаётган "Жайхун" лoйиҳаси муҳим аҳамият касб этади.

Амударё ўз тилсимини очмоқда

Ушбу лoйиҳада Амударё ҳавзасини кафолатли сув билан таъминлашга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, иқлимнинг дарёлар оқимига таъсири ва лoйқалар чўкиши натижасида сув омборлари сизимининг пасайиши омилларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда "Тоза дарё" илмий-техник маркази лoйиҳада белгиланган вазифаларни бажаришга, аниқ

Изланиш

амалий ҳулосалар чиқаришга юришди. Ушбу йўналишда Амударё ҳавза бирлашмаси ва Тожикистон, Россия, Германия, Англия, Франция давлатлари мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб бoрилмоқда. Маълумки, "Тўғри" гидроузели дарёнинг қўйи қисмини бошқаришнинг ҳал қилувчи бўғини ҳисобланади. Шу боис лoйиҳада унга катта эътибор берилаяпти. Ушбу гидроузели сув омборларида лoйқа чўкиши ва уни тартибга солиш имкониятларини ўнлаш, сувнинг лoйқалиғи, минераллик даражаси, Амударёнинг бошланғичидаги бошқа параметрларни аниқлаш бўйича жиҳозлар ўрнатилишини назарда тутди. Маврид келганда, шуни айтиш жоизки, олимлар, шунингдек, дарё ва сув омборларининг бошқарувчи ходимларида ҳамма вақт ҳам зарурий ахборотлар етишмайди. Бу ҳол қўпинча бошқарувда хатоликлар содир бўлишига олиб кeлади. Шу боис ўтган йили Амударё сувидаги Саримой посёлқасидаги Навоий кон-металлургия қoмбини учун сув етказиб бeрувчи насос станциясининг 1-пoсти замонавий ўлчoв, кузатув асбoблари билан тўлиқ жиҳозланди. Дарёдаги сувнинг лoйқалиғи, шўрлангани, ҳарорати ва сатҳи ҳақидаги илк маълумотлар Тўғри гидроузелининг ишлатиш бошқармаси диспетчерлик бўлинимаси томонидан

Оллаборган РАЖАБОВ.

Болаларга байрам туҳфаси

Ромитан туманидаги 15-урта мактабнинг янги қўшмақсатли биноси фойдаланишга топширилди. 220 ўқувчи-га мўлжалланган ҳамда кўркам спорт залига эга бу объектнинг "20-трест" масъулияти чекланган жамиятининг Ромитандаги 9-вакчилиги курувчилари бунёд этишди.

Истам ИБРОҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ТАШАББУС ОҚСОҚОЛДАН ЧИҚДИ

Жарқўрган туманидаги «Соқчи» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари яқинда маҳалладошлариди олдиға чиқиб, киши бошига биттадан мевали дарахт кўчатини ўтқазиш ва уни парвартиришга эътибор қаратилди. Маҳаллада 3565 нафар одам яшайди. Ҳисоблаб кўрсаларки, ҳозир бу ерда ўсиб турган мевали дарахт сони икки-икки ярим мингтадан ошмас экан. Энди бир йилнинг ўзида тўрт минг тўпга яқин мевали дарахт ўстириб бошлансам...

Дарвоқе, томорқаларда қадаладиган кўчат бу ҳисобга кирмайди. Йўл четларини, ариқларнинг ва зoвурларнинг қирғoқларини бог-роғларга бурканмоқ керак. Бу хайли ишга катта-кичик — ҳамма бош қўшмоғи лoзим. — Оқсоқолларимизнинг бошқа ташаббуслари сингари навбатдаги томонидан қўллаб-қувватланди. — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдукарим Мардаев.

Биз Матлубанин қайнотаси Чори бoбо билан гаплашамиз. Ёши етмишга қўнлашгани билан ҳамон бакуват. Яқунлидан ширхоат ёғилиб турибди. Шу ёшга кириб хали дўхтирнинг қўлидан дори ичиб кўрмаган. Ҳатто тумов нималигини билмайди. Чунки қўлидан кетмон, белқурак тушмайди. Ишлайди. Уйлариин ёндағи «Шаҳриёр Ирода» фермер ҳўжалигининг бир ярим гектарлик тузoри ора-ларини белқурак билан бир ўзи ағдариб чиқиб, қатор ораларига майсa ўстириб қўйибди. Бoбoдан улғу олиб ҳамқишлоқлари уйлариға яқин қаровсиз ерларға ҳам кетмон уриб, бир қарич ер бўлсин, уруғ сочмоқда. Кўчат қадомқда. Обод қилмоқда.

Раисдан биз бошқа ташаббуслар ҳақида сўрашамиз. Унинг айтишича, «Соқчи»да 700 га яқин хонадон бор. Уларнинг ихтиёридаги томорқалар оз эмас — 90 гектар атрофида. Томорқасида қимдир ишлайди. Қишининг ўндан фойдаланади. Ва, яна қим-

дир, уруғ тополмадим, ёрни ҳайдаш қийин бўлди, деган баҳоналарни айтиб, кенг-мўл томорқасига ажриқ ўстириб қўяди. Қишлоқда яшаб туриб сазавот-полиэни шаҳарнинг бозоридан ташийди. Холқазна Маматхонов, Эсон Ғофиров, Қудрат бoбоға ўшаган тўрт-беш оқсоқол ана шунақа ишкeмсларни маҳалланин мажлиси муҳокамасига қўйди. Керак бўлса, уруғ, ер хайдашга трактор тоғлиб бeрамыз. Ердeмлашамиз. Маҳалладан моддий ёрдам сўраб кeлиб ўтиришининг ўрниға қўли қабариб ишласин, дейди.

«Соқчи»ларнинг томорқаларини энди кўрин-да. Қўш бўлишиға қарамаздан ям-яшил бўлиб турибди. Қўхатлар, шивит, петрушка пол-пол қилиб плёнка остиға олинган. Эртаки пивёз униб чиққан. Сабзи, шoлғoм, турп қазиб олиниб, бoзoрга чиқариляпти. Ўз-ўзини бошқариш — Томорқада биз ишлаймиз. Етиштирган зироатимизни қайнонам — Турсуной мoзо шаҳарининг дeҳқoн бoзoрида ўзи ўтириб сотади, — дейди Матлуба Эрматова. — Матлубалар илғари ишсизлар рўйхатида турарди, — дейди маҳалла раиса. — Дeҳқoн ҳўжалиғи сифатида унга ҳозир меҳнат дафтарчасини очганмиз. Меҳнат фаолияти расман қайд этиб бoрилмоқда.

ятларда ҳам оқсоқолларга суянишди. Унча-мунча қайсарлик қилганлар билан дурустроқ гапнишга қўйишгача бордилар. Тартиб-интизомни йўлга қўйдилар.

— Тартиб, ўзаро ҳурмат бу ахилликнинг, тотувликнинг аликфоси, — дейди тиқ этган товущдан минг хил маъно ажратиб оладиган оқсоқол Эсон бoбо. — Ахиллик бу кўнглининг зийнати. Юртининг зийнати. Қўллашчи ҳам таъминланган йилғирма одамнинг уй-чўйини таъмирлайди. Томорқаларини ҳайдатиб бердик. Аҳолимизнинг ярми ёшлар бўлса, уларни меҳнатга ўргатялмиз. Хуллас, бир тану бир жон бўлиб яшайлмиз. Шунинг ўзи — содат-да. Эсон бoбо чорак асрдан кўпроқ туман пиллачилик идораси раҳбари бўлиб ишлаб, ўн миллион тўп тут дарактини ўстирган одам. Шу йилнинг ўзида у маҳалласи ҳудудида эллик тўп мевали дарахт кўчатини қадлаб, ўстирмоқчи. Яқин одамларни у дарахтларға ўхшатиб мақтайди. Одамзот дарахтлар мисол саҳий ва ҳокисор бўлиб яшамoқлари керак, дейди оқсоқол. Олимжон УСАНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Кўнгил жиёбони



Юртдошларим

Қалбимни чулғайди ажиб бир кўшиқ
Юрт кезсам, у бандан тоғлардан ошсам.
Далалар қўйида меҳнаткаш, мушфиқ
Азиз юртдошларим билан учрашсам.

Текис дамол изи бўлмас эҳтимол,
Уларнинг усти-бош, энгилларида.
Боқушар ҳаммаша боладай хушхол,
Зарра эгрилик йўқ кўнгилларида.

8.09.

Ош

Кимдир кимга ташланиб,
Муттасил захрин сочар.
Хашагини титқилаб
Минг йиллик айбин очар,
Эҳтиёт бўл биродар,
Гулаҳларга ишонма,
Ош пишганда қозонни,
Бидирмай олиб қочар.

25.11.

Жаннат

Умрим шамоллари хануз елади,
Хануз нури чехранг турар қошимда.
Онажон, мен сени кўригим келади,
Етмишни қоралаб қолган ёшимда.

Майлига, менга ҳам ором тилагин,
Онажон, соғинчим сен узинг ростин.
Мўйсафид ўғлингнинг бошин силагин,
Менга жаннат эрур оёгинг ости.

25.11.

Табиат иши

Табиатнинг иши гоёт ранг-баранг,
Ҳаддан зиёдаги севар у бироз.
Икки бошли бузоқ бор эмиш, қаранг,
Бор эмиш қайдадир тўрт оёқли гоёз.

Турфа ҳодисотга учар одам ҳам
Гоҳида отлик у, гоҳи пиёда.
Гоҳи босиб келса ҳаддан зиёд ҳам,
Гоҳи шодлик келгай ҳаддан зиёда.

24.11.

Кум сочиш

Кичкинтой набирам лаби пирпираб,
Кичкина ҳасратин очди бир кун:
Уртоғим кум сочди кўзимга қараб,
Хафа қилмаганим ахир мен уни.

О, болам, бегоҳат бўлма бунча ҳам,
Бобонинг жонига берсин да тўзин.
Мен ҳам ундайларни агар санасам,
Оссам бўлар эди ўзимни-ўзин.

20.11.

Кўёш бекати

Сайр этиб юраркан олис Японда,
Ахиб фах хиси жўшарди қонда:
Кўёш бу дийрдан чиқар ҳам гарнада!
Бир кун тўхтаб ўтди ўзбекистонда!

Токио.

22.06.

Дўст

Тақил бўюмлар бор, тақил дори бор,
Уларга айрича бўлгай эътибор.
Дўст ҳам тақилларнинг рўйхатидадир,
Шукурим, дўст менда бисёрдир, бисёр.

7.12.

Яқинда пойтахтимиздаги ресторанлардан бирида бўлиб ўтган тўйда иштирок этдим. Аввало, икки ўзбек оиласининг тўйи аввал она тилимизда бошланиб, сўнг бошқа тилда олиб борилгани мени хайратга солди. Маълум бўлишича, тўйдаги меҳмонлар ўзга миллат вакиллари экан. Уларнинг ҳурмати учун мез-бонлар шу йўлни танлашибди. «Меҳмон тангадэй улур», деган мақол бежиз айтилмаган. Аммо ўша меҳмонларга сўз берилганда, ҳамма жўр бўлишиб, «горько», «горько» деб бақириб-шарқиб қўйди.

ТАҚЛИД ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА!

Кўчада кетаяпсиз. Кўзингиз тиззаси йиртиқ шим ёки қандайдир кўриниб турадиган либос кийган қизга тушади. Бирдан, хаёлингиздан, бу қиз биронта қийналиб қолган оиланинг фарзанди шекли, деган фикр ўтади. Лекин қизалокнинг қўлидаги олтин сирга, бармоғидаги ёқут кўзи узук, билгадаги тилло билгаузукни кўрган, адашганингизни сезасиз. Ахабласасиз, ҳайратингиз ошади.

— Хайрон бўлманг, ҳозир мода шунақа, — дейди ёнингиздаги йилгича. — Бугун Европада шунақа кийинишаркан...

Бу икки воқеани ҳам мен тўйиб айтаётганим йўқ. Бундай ҳолатга ҳаммамиз, ҳар кунимиз кўраётимиз. Лекин бевариомиз. Гўё ўзи шундай бўлиши керакдек, гўё бу муаммони бошқалар ҳал этиши лозимдек.

Шарқ ва Ғарб муносабатлари ҳақида кўп гапирармиз. Уларнинг бир-бирига таъсири ҳақида қатор тадиқотлар қилинган. Ғарб тарихида Шарқдан ўрганиб яшаган. Умуман, дунё цивилизацияси Шарқдан бошлангани бугун ҳеч ким инкор этмайди. Лекин кейинги икки асрда, айниқса, сўнгги юз йилликда Ғарбга эргашиб, тақлид қилиш модага айланган.

Нега? Бунинг бир неча сабаблари бор. Инсоннинг табиати шунақаси, қайси мамлакатда ривожланиш, тараққиёт бўлса, ўша юрт халқига эргаша бошлашади. Унинг қийиниши, ўзини тутишига тақлид қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, сўнгги асрларда Европа ва Америкада техникавий тараққиёт соҳасида катта кашфиётлар қилинди. Булар ўз навбатида халқ ҳаётининг яхшиланшига, фаровонликка олиб келди. Бу Ғарбга бўлган иштиқодининг биринчи сабаби. Иккинчиси эса, Ғарб Шарқни бошқа йўллар билан ҳам ўзига эргаштиришга, улар ҳаёт тарзига ўз маданиятини, урф-одатларини сингдиришга очик уринишда. Бу йўлда оммавий-ахборот воситалари, телевидение, кино, видеотехника, хуллас, барча воситалардан фойдаланишга уринишда. Энг ачинарлиси, улар кўпинча ўз мақсадларига эришяптилар ҳам.

Тўғри, биз XXI асрда Галнинг индаллосини айтадиган бўлсак, айримларнинг кўча-қуйда ярим яланғоч кийиниб юриши, баъзи тўй-маъракаларда урф-одатларимизни менсимаслик каби ҳолатлар оқибатлари жиддий ўйлаб кўрилиса яхши бўларди. Ахир, минг йиллар давомида шаклланган қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз, аъналаримизни кўз қорачиқидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз-ку.

Бекқул ЭҒАМҚУЛОВ.

Сизга бўлсин эзгу хисларим

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири.

Ватан фарзанди

Гоҳ ёш болага ўшайди ватан,
Содда, норасида, пок ва беғубор.
То озор етмасин унга дафъатан,
Бегона кўзлардан асрамоқ даркор.

Ватан улуг ғирга ўшайди гоҳи,
Қўллагай, ариптай кўздан ёшларни.
Юрса товоғига ботмасин тоғи,
Йўлдан олиб қўйинг ҳар хил тошларни.

Ким унинг хизматин этолса адо,
Изоҳ дунёда ҳам бўлмағайди кам.
Ўзини таямасиз қилдимиз фидо,
Ўша зот Ватанга фарзанд чинакам.

2007 й. 3.12.

Шоир

Дуч келган кимсани дўст билма, шоир,
Паңд еган бағрингни сўнг тилма, шоир,
Номингдан улурок мартабани йўқдир,
Давралар тўрига инпилма, шоир.

9.09.

Асрасин

Оссалар — дақиқа умрингга яқун,
Отсалар — дақиқа умрингга яқун.
Эл-юрт қарғишидан асрасин Худо,
Авлод-аждодингга етгай у бутун.

21.11.

Камтарлик

Ҳар кимга буюрсин ўзининг дарди,
Баъзан қулсанг камдир, йилгиласан ҳам озо.
Бир кун илватда сўхбат қиларди
Содда шогирд билан меҳрибон устоз.

Устоз дер эдики: — Тоғшириқ шулдир:
Гум қил фалончини, қурисин зоти.
Сўнг эса албатта ўзингни ўлдир,
Жаннатга тушасан ўша заҳоти.

Шогирди дер эди гоётда камтар:
— Устоз, мақбул эрур айтган сўзингиз.
Жаннат шу қадарли наҳд бўлса агар,
Ишни бошлаб беринг аввал ўзингиз.

20.12.

Инсон

Сенга бўлсин эзгу хисларим,
Нафратларим бошқа ёқларга.
Ўзни таниб, Сени изладим,
Дуч келсам ҳам шум сиёқларга.

Биров сени авлиё деди,
Нафратларим бошқа ёқларга.
Биров деди меҳнаткаш сиймо.
Гар сийратинг едимда эди,
Сувратингни кўрмадим аммо.

Йўлиқсан гўдак бўлиб гоҳ,
Гоҳ мўйсафид, гоҳ шод, гоҳ нолон.
Кимлигиндан бўлмидан оғоҳ,
Ва атадим номингни — Инсон.

20.11.

Бозорда

Ҳеч кимсгага айтмаймиз бу сиримизни,
Меҳмонлардан уммаймиз кўз қиримизни.
Тушга қадар биз уларни алдағаймиз,
Тушдан кейин алдаймиз бир-биримизни.

20.11.

Фариддин АТТОР

Шиблий ва новвой ҳикояти

Бир шаҳарда бир новвой яшар экан. У Абубакр Шиблийнинг шуҳратини эшитиб, шайхнинг ўзини кўрмай, унга кўнгил боғланган экан. Уни бир кўрсам деган иштиёқ билан ёнаркан. Новвой кўриб ошиқ бўлмаган, балки эшитиб ошиқ бўлгани сабабли ҳазратнинг

Шиблий аллақачон шаҳардан чиқиб, қўлга раво бўлган эди. Новвой бориб унинг орқасидан охири етиб олди. Ундан уэр суради, садоқати, муҳаббатини айтди, ёлбарди. Шунда Абубакр Шиблий унга деди:

— Бўлмаса, бир зиёфат мажлисини ташкил қилгин, мени зиёфатга чакиргин.

Новвой бу сўздан хурсанд бўлиб, дарҳол унинг айтганларини бажарди. Шохона зиёфат ташкил этди, шаҳарнинг қазо-қазолари, турли тоифалардан меҳмонлар тақлиф этди. Ҳамма анвойи таомлар қўйилган дастурхон атрофида йилгилдилар. Шиблий дуо-оқиб фойда қилди. Меҳмонлар энди тасма қўл ураётганда, ўтирган азизлардан бири Шиблийга муҳожат қилиб, сўради:

— Айтингчи, дўзароий ким ва жаннатий ким? Шиблий жавобда деди:

— Агар дўзароийни кўрмоқчи бўлсанг, шу зиёфатнинг сохибига назар сол. Шўхрат учун шунақа пул сарфлаб бизни чакиртирди, аммо бир бурда нонни муҳтожга бермади. Агар у муҳтожга саховат-ҳиммат кўрсатиб нонни берганида жаннатий бўларди.

Ибрат

қўёқасини ҳаёлида гавдалантирар, ҳар хил одамларни кўз олдига келтириб кўрар эди.

Нима бўлдию кунларнинг бирида Абубакр Шиблий новвой яшайдиган шаҳарга кириб келди. У шаҳарни айлашиб, халғи новвой дўкони ёнидан ўтганда олиб ош бошлади. Шу пайт новвой бунни кўриб, нонни Шиблий кўлдан тортиб олди ва қаттиқ дашон берди. Шиблий ноумид бўлиб ўлиб кетди. Новвойнинг ёнидаги одам унга қараб деди:

— Бу одамни танийсанми, бу Абубакр Шиблий бўлади. Шиблийга шунақа ҳурматинг бор, лекин бир бурда нонни раво кўрмай кўлдан тортиб олдинг. Новвой аттанг-афсуслар қилиб, Шиблийнинг орқасидан чоқди.

Ҳикмат

Ўз фарзандингни яхши хулқ-одобни ва ақлли бўлишига ўрат. Кимки ёшлиқдан яхши хулқ-одоб эгалламас экан, улгайганда ундан билим талаб қилма.

Мажиддин ХАВОФИЙ.



Куйла, дилкаш дуторим... Р. ГАЛИЕВ сурат-лаҳзаси.

БАХИЛНИНГ БОҒИ КЎКАРМАС

Бир одам ўз хотини билан бирга қовурилган товۇқ гўшти еб ўтирган эди. Шу чоғда бир гадой келиб, эшикни тақиллатди. Халғи одам эшикни очганиди, гадой ўз эҳтиёжини арз қилиб, ундан ёрдам сўради. Уй эгаси ҳеч нарса демая, у бечорани қувиб юборди.

Бир неча вақт ўтгандан кейин бу одамнинг омади кетиб, ҳеч нарсаси қолмай, муҳтожликка тушди, ноилоҳ хотинига ҳам жавоб берди. Хотин ундан ажраб, бошқа эрга теғди.

У бир кун янги эри билан нон ва қовурилган товۇқ гўшти еб ўтирган эди, бир гадой эшик қоқиб садақа сўради. Янги эр дарҳол нон устига товۇқ гўшти қўйиб, хотинига шу овқатни гадойга чиқариб беришни буюрди. Хотин овқатни гадойга берди-ю, йилглаб эри ёнига қайтди. Эри йилгисининг сабабини сўраганиди, хотин бу гадой ўзининг биринчи эри эканини айтди. Иккинчи эр: "Биринчи эринг билан овқатланиб ўтирганингда тиланиб борган гадой мен эдим. Эрингнинг бахиллиги сабабли замон унга шундай "муқофот" берган", деди.

РИВОЯТ

Одатдан ташқари ажойиб хунар кўрсатишга қодир эканини даъво қилган бир киши Хорун ар-Рашид хузурига келди. Хоруннинг буйруғи билан у киши ўз хунарини кўрсатишга киришди. Ёнидан бир қўтича игна олди, битта жуволдзини бир устунга қадади. Кейин салгина узокроқ ерда туриб, игналарини жуволдиз кўзидан отиб чиқара бошлади. Хунарини кўрсатиб тамом қилгандан сўнг у Хорун ар-Рашидга таъзим бажо келтирди. Хорун бу хунари учун унга юз олтин бериш ва орқасига юз қамчи уришга буюрди. Бундай қизик буйруқнинг сабабини сўрадилар. Хорун ар-Рашид сабабини шундай айтди:

— Бу одам жуда зўр истеъод ва қобилият эгаси, лекин уни фойдасиз ишларга сарф қилгани учун юз қамчи уришга буюрдим. Токи бундан сўнг ўз истеъодини кераксиз нарсаларга эмас, халқ ва юрт манфаати йўлида сарф этсин.

БЕФОЙДА ҲУНАР

Хамроҳон РАШИДОВА тайёрлади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Бюджетга Г — 57. 48341 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орплов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6 8